

## ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ХОДИМЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ, МАЬНАВИЙ-ИФТИХОР РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ХАМКОРЛИГИ

*Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич*

*Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник*

### Аннотация

**Мазкур мақолада:** Харбий хизматчи ходимларининг миллий, маънавиий-ифтихор руҳида тарбиялаш билан боғлиқ методик тавсиялар ва Ватан олдидаги бурчини ҳис этишини, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий жонбозлик ҳамда фидойилик кўрсатишни, керак бўлса қаҳрамонликка тайёрлигини англатиш билан боғлиқ сўзлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Ватан, Миллий ифтихор ғоялари, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари, Ёш авлод, истиқбол, ор-номус ва ҳалолик, ҳалқа ва ватанга хизмат қилиш олий бурч каби

Миллий ифтихори кучли бўлган шахс, ўз мамлакати билан фаҳрланади ҳамда унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс истиқболни чуқурроқ англайди, унинг эртаси бугунгидан кўра мукаммалроқ бўлишига ишонади<sup>1</sup>.

Янги Ўзбекистон тарақиёт Стратегиясида белгиланган вазифалар асосида, давлатимизни юксалиш замерида, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари тизимидағи таълим муассасалари тингловчиларига Ватан, ватанпарвар, ҳарбий ватанпарварлик, миллий ғоя, ифтихор, миллий ифтихор каби буюк тимсол сўзларнинг мазмуни, ёш чегарачилар ва моҳиятини илмий педагогик жиҳатдан доимий равиша ёритиб бориш уларда миллий ифтихорни, ор-номус ва ҳалолик, ҳалқа ва ватанга хизмат қилиш олий бурч каби хиссиётларни шакллантириш бугунги кун талабидир. Ёш авлоднинг истиқбол сари ишонч билан юксалиш, таълим-тарбия ва маънавиятининг замон талаби асосида шакиллантиришда кенг жамоанинг ўрни ва роли бекиёс. Ёшларни тарбиялашда, миллий ур-одатлар ва аналарга риоя этган ҳолда кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ижтимоий фаолият йўлга қўйилади. Улардан самарали фойдаланиш орқали миллий ҳис-туйғу, ғурур ва ифтихор такомиллашади, шунингдек, миллий ўзликни англаш туйғуси шаклланади ва ривожланиб боради<sup>2</sup>. Инсон, ўз туғилиб ўсган жойини, Ватан деб билади ва шу жой тинчлиги ҳамда осойишталиги учун ўз ҳиссасини қўшади. Яъни Ватан бу – она юрт, туғилган макон, маскан маъноларини англатади. Ватан тушунчаси инсон яшайдиган жой, муқаддас тупроқ, шу юрт табиати, атроф-

<sup>1</sup> Иброхимов А., Султанов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: – Б. 288-289.

<sup>2</sup> Рӯзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш оид методик тавсиялар – Т., . – Б. 3;

мухит, қушлар ва ҳайвонот дунёси, ота-боболардан қолган мероси, миллий қадриятлари мажмуудир<sup>3</sup>. Демак, инсоннинг туғилиб ўсган ютидаги бутун борлиқ унинг бойлиги ва ватанининг бир бўдаги ҳисобланади.

**Ватанпарвар** – ғамхўрлик қилувчи, ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи инсонлар. Демак, ватанпарварлик одамларнинг она юрти, Ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи тушунча.

**Ҳарбий ватанпарварлик** – деганда ҳарбий таълимни қамраб олган ва ватанпарварлик тарбиясига эга бўлган инсонлар тушунилади<sup>4</sup>. Бу инсоннинг Ватан олдидағи бурчини ҳис этишини, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий жонбозлик ва фидойилик кўрсатишни, керак бўлса қаҳрамонликка тайёрлигини англатади.

**Миллий ғоя** – халқнинг энг эзгу орзу ва улуғ интилиши, ғуур ва ифтихори, ор-номуси ва руҳий мададкори сифатида у билан доимо бирга келаётган ғоя<sup>5</sup>. Миллий ғоя бизнинг ўтмишимиз ва бугунги истиқболимизни ўзида мужассамлаштиради, у миллатимизнинг манфаат мақсадларини ифодалайди, элементлари тараққиётга хизмат қиласи. Миллий ғоя, авваламбор миллатимиз онгода, қалбида, тарихий хотиралари орқали авлоддан авлодга ўтиб, янги-янги ғоялар билан бойитилиб, халқимизнинг юксалиши йўлида инсоннинг ҳаётига маъно-мазмун бахш этади.

Миллийлик миллатнинг тегишли дини, бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос тили, урф-одат, анъана ва қадриятлар, миллий кийим, таомлар, аждодларимиз мероси, миллатига боғлиқ бўлган нарсалар тушунилади. Шунингдек, ғоя - мақсад, объектив борлиқни, воқеликни киши онгода акс эттирувчи, айни замонда кишининг борлиққа ва воқеликка муносабатини ифодаловчи уларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни истиқбол сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. У шундай муҳитни яратиш баробарида фуқароларни яқдил, юксак маънавий мўлжаллар теварагида яқинлаштириб, баъзан эса чигал иқтисодий, сиёсий вазиятлардан енгиб ўтишда таянч бўлади.

**Миллий ифтихор** – миллий-ғуур туйғусига эгаликнинг юқори босқичи бўлиб, у миллатнинг “яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равища ҳис қилишидир”. Миллий ифтихор туйғусига эгалик, шунингдек миллатнинг кишилиқ тараққиёти тарихида тутган ўрнини, жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси ва қадр-қиммати ҳамда обрў-эътиборини муносиб баҳолай

<sup>3</sup> Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоғли лугати – Т., 2020. 1 том. – Б. 444-445.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш // Услубий қўлланма. – Т., – 2018. Б. 5.

<sup>5</sup> Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари // – Т., 2011. – Б. 3-22.

олиш, миллат истиқболига бўлган ишончга эгаликни ҳам ифодалайди<sup>6</sup>.

Миллий ифтихор ғоялари руҳида тарбиялаш мазмун-моҳиятининг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини теран англаш, уни миллий тараққиётнинг устувор йўналишлари билан боғлаб, такомиллаштириб бориш ҳамда унинг ёрдамида инсонни руҳлантириш жуда муҳимдир.

Харбийлаштирилган таълим муассасаларида ўтиладиган маъруза, семинар ва амалий машғулотлари бошланишидан олдин харбийча туриш ҳамда Давлат матҳиясини куйлаш ва эшитиш тартибини ўргатиш. Қолаверса, маънавият ва маърифат дарслари, давра сұхбатлари, баҳс-мунозара, бадиий кеча ва анжуманларда ҳамда конференцияларда Ватан, ватанпарварлик, миллий маданият, миллатнинг ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, аждодларимиз мероси, обидаларимиз, миллий байрамлар, тарихий ва маънавий бебаҳо хазиналаримиз, Ўзбекистон тарихи, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги тарихи, Давлат рамзлари ва бошқа йўналишлар бўйича чуқурроқ маълумотлар берилиши тингловчиларнинг миллий ифтихор туйғусини янада ортиб боришига хизмат қилмоқда. Ана шу нуктаи назардан қараганда, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари таълим муассасаларида ўқитилаётган ҳуқуқий, ҳарбий, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар тингловчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиради, юксак маънавият ва ватанпарварликни, эл-юртга, садоқатни, адолатни, ҳалолликни, ўзлигини унутмаслик, тарихий қадриятларни асраб-авайлаш ва хурмат қилиш фазилатларини шакллантиради, шунингдек иймон-эътиқодини мустаҳкамлаб, иродали, жисмонан бақувват, ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол ходим этиб қарор топтиради. Миллий ифтихор туйғусини тингловчиларда шакллантириш ва равнақ топтириш, уларда бугунги ва эртанги кунга ишончини уйғотади ҳамда ҳалол меҳнат қилиш фазилатларини сингдиради.

Тингловчиларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашнинг муҳим имкониятларидан яна бири бу, Ўзбекистон Республикасининг конуституциясини ва Давлат мадҳияси, рамзларини мазмун-моҳиятини чуқур билиши ҳисобланади, чунки Давлат қомуси ҳамда рамзлари мамлакатимиз мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоли бўлиб, ҳалқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, ифтихор бағишлайди.

Харбийлаштирилган таълим муассасаларида тингловчи ва курсантларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашнинг дидактик имкониятларидан бири “Хизмат қасамёди” ҳисобланади.

Ҳуқуқни мухфаза қилувчи органларнинг “Қасамёди” – бу ҳар-бир, йигит-

<sup>6</sup> Рӯзиева Д.И. Олий тъалим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари // п.ф.д. диссертация. – Т., 2007. – Б. 469.

қизларнинг ор-номуси, ғурури тимсоли ҳисобланади. Унга фақат мард, жасур инсонларгина содик қоладилар. Хар-бир хизматчи ёки ходим Қасамёд негизида юрт тинчлигини сақлаш, осойишталигини асраш, ватанпарварлик, фидойилик, юртга, халққа ота-онасига бўлган чинакам меҳр ётади. Шу боис ҳам, қасамёд юксак масъулият юкини талаб этади. Ўз қасамёдига содик қолиш ҳар бир Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчидир. Қасамёдни бузиш Ватанга хиёнат деб таърифланади.

**Харбийлаштирилган таълим муассасаларида тингловчи ва курсантларни қасамёдининг тарбиявий аҳамияти, қуйидаги ғоялар** “фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, ўз Ватанига, халқига, Президентига садоқат билан хизмат қилишни, сўнгги нафаси қолгунча ўз Ватанига садик қолишни, ҳар қандай мashaққат ва қийинчиликларни матонат билан енгишни, мамлакатимизнинг нурли истиқболи ва янги Ўзбекистоннинг муносиб ҳимоячиси бўлишни, зиммасига юклатилган мажбуриятларни вижданан, сидқидилдан бажариш”ни шакллантиради.

Курсант ва тингловчиларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашда театр санъати, юксак маънавият хазинаси бўлмиш жаҳон ва миллий адабиётлар, музейлар, зиёрратгоҳлар ва бошқа маданий муассасаларнинг имкониятлари кенгdir. Бугунги кундаги илмий ва диний адабиётларда «маънавият» (арабча маъно, маънолар мажмуи) тушунчасининг 300 дан ортиқ таърифлари учрайди, аммо уларнинг барчаси бир-хил маънони англатади. Биринчи Президентимиз томонидан «Юксак маънавият–енгилмас куч» асарида «маънавият» тушунчаси кенг маънони акс этган. *«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайшига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижденини уйготадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»*, *«Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий мафкуравий, маърифий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади»*.

Маънавият – инсоният томонидан яратилган ҳамда яратувчиликка хизмат қиласидиган яхшиликлар, инсоний фазилатлардир. Маънавият – инсонни ахлоқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар ва қонун измидан чиқмай яшашга ўргатади.

Маънавиятсизлик вайронарчиликка олиб борувчи йўл эканлигини тарихга назар солсак буни кўп исботини биламиз. Ҳамдўстилк давлатларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликлар, кеча яқин дўст бўлган, бугун эса бир-бирига душманга айланиб, қонли уруш вазиятини вужудга келтираётган давлатлар мисолида кўриш мумкин. Дунёда содир бўлаётган глобал муаммолар – иқлим ўзгариши, ноқонуний қурол-яроғлар савдоси, гиёҳвандлик, одам савдоси, «демократия экспорти», «демократияни сунъий тезлатиш» каби ҳодисаларнинг ечимлари хар-бир шахсада юксак маънавиятли бўлишни талаб этмоқда. Юксак

маънавият – XXI асрнинг объектив заруриятига айланди десак муболага бўлмайди. Шу боис унга иккиламчи ҳодиса деб эмас, аксинча, муаммолар ечими топувчи куч сифатида қараш лозим.

Бугун жамиятда «соф демократия», «соф ислом халифалиги»ни ўрнатишга қаратилган сиёсий ва ҳарбий амалиёт ҳеч қаерда ўзини оқлагани йўқ. Собиқ Югославия, Афғонистон, Ироқ бунга ёрқин мисолдир. Аксинча, бу давлатлар навбатдаги ижтимоий экспериментлар майдонига айлантирилди, холос. Афғонистон гиёхвандлик ва терроризм ўчоғига, Югославия худудида пайдо бўлган кичик давлатлар «одам савдоси маркази»га, Ироқ эса миллатлараро ва диний зиддиятлар маконига айланиб, бутун инсониятга хавф солмоқда. Ушбу воқеа ва ҳодисалардан хулоса шуки, инсониятни бугунги ҳалокатлардан сақлаб қолувчи ягона куч «ҳарбий қудрат эмас», макон ёки худудларнинг кенглиги ҳам эмас, капитал (пул) ҳам эмас, балки – маънавиятдир.

**Ҳарбий хизматчиларнинг маънавияти уларнинг куч-қудрат манбаи ҳисобланар экан, бундай куч-қудратни улар қаердан олади?**

Ота боболаримиздан қолган маънавий мерос–инсоннинг буюк бойлиги ҳисобланади. Инсонни комилликка етакловчи куч беқиёс куч бу маънавий меросдир. Ўзбек ҳалқи бой маънавий меросга эга бўлиб, у дунёга Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Алишер Навоий, Ж.Мангуберди, А.Темур каби буюк шахсларни тарбиялашмоқда.

Бугунги кунда “Халқ манфаатлари учун хизмат қиласиган” мутахассиси қандай соҳада, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, учта талабга жавоб бериши лозим.

**Биринчи талаб.** Ҳарбий хизматчилар юксак маънавиятли ва тарбияли бўлиши.

**Иккинчидан.** Ўз устида ишлайдиган, замонавий техникаларни ўзлаштирган ва чет тилларни биладиган.

**Учунчидан.** Халқ ва юрт учун хизмат қилишни биринчи навбатга қўядиган билиши бўлиши лозим. Манашуңдай инсонлардан буюк кашфиётчилар, олимлар, ҳалқ қаҳрамонлари етишиб чиқади. Бундай инсонлари бор ҳалқни, давлатни ҳеч ким ҳеч қачон енголмайди.

Хулоса қилиб айтганда маънавий мероссиз ҳеч бир ҳарбий хизматчи равнақ топмайди. Маънавий меросимиз бизни буюкликка етакламоқда. Ҳамма гап улардан оқилона фойдалана олиш ва ўзимизга бўлган ишонч ҳамда иродамизнинг янада бақувват қилиб тарбиялашдан иборатдир. Келажагимизни тарих яратади – шундай экан ҳарбий хизматчиларнинг яратувчиси ҳам тарихдир. Демак, Маънавият узоқ давом этган тарихий жараёнлар маҳсулидир. Шу боис ҳарбий хизматчи тарихни билмасдан ўзлигини англай олмайди. Бугун мафкуравий полигонларда бирор-бир ҳалқни, инсонни енгиш, тобе қилиш учун

уни тарихи, миллий қадриятлари ва маънавиятидан маҳрум этишга ҳаракат қилинмоқда. Ўтмишга назар соладиган бўлсақ, Ўзбек халқини тарихда ҳеч ким енга олмаган. Шунинг учун Президентимиз: «*Биз аҳил бўлиб, эл-юрт манфаатлари, яъни “Халқ мафаатлари учун” хизмат қилска ичимидан сотқинлар чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди*», – деган шиорий фикрларни илгари сурган. Ушбу фикрда тарихимизнинг аччиқ ҳақиқати ифодаланган десак, асло муболага бўлмайди ва «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз».

### Адабиётлар

- 1.Президент асарлари. Шавкат Мирзиёев. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» 1-жилд.
- 2.Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоғли луғати – Т., 2020. 1 том. – Б. 444-445.
- 3.Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш // Услубий қўлланма. – Т., – 2018. Б. 5.
- 4.Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари // – Т., 2011. – Б. 3-22.
- 5.Рўзиева Д.И. Олий тъалим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари // п.ф.д. диссертация. – Т., 2007. – Б. 469.
- 6.Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш оид методик тавсиялар – Т., . – Б. 3;
- 7.Иброҳимов А., Султанов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: – Б. 288-289.